ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАКС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

КАФЕДРА: Санъат назарияси ва тарихи

Фан: Мусиқа назарияси

МУСТАҚИЛ ИШ

Мавзу: Интерваллар

Топширди: Узоқова С.

ХЖР 1 Курс

Текширди:_____

Тошкент 2017

Режа:

1. *Оддий интерваллар ва уларни сон ва сифати.*
2. *Интерваллар айланиши.*
3. *Таркибли интерваллар.*
4. *Охангдош ва ноохангдош интерваллар.*

1. Бир вақтда ёки бирин-кетин эшитилган икки товуш қўшилмаси интервал дейилади. Бирин-кетин эшитилган товушлар мелодик интервал дейилади. Бараварига эшитилган товушлар гармоник интервал дейилади. Интерваллларнинг пастки товуши асосий юқоридаги товуш чўққиси дейилади.



2. Интерваллларнинг сон ва сифат миқдори ҳар бир интервал сон ва сифат миқдори билан аниқланади. Поғоналар сони билан ифодаланган интерваллар сон миқдори интерваллар дейилади. Тон ва ярим тонлар сони билан ифодаланган интерваллар сифат миқдорли интерваллар дейилади. Бир октава оралигида хосил бўлган интервал оддий интервал дейилади.

Саккизта оддий интервал бор. Интерваллар лотин тилида номланади.

Прима-1. Секунда-2. Терция-3. Кварта-4. Квинта-5. Секста-6. Септима-7. Октава-8

Интервалнинг сифат микдорини белгилаш учун; кичик, катта, соф, ортирилган, камайтирилган сўзлар ишлатилади.

1. Соф прима =0, тон. Кичик секунда =0\2 тон
2. Катта секунда =1 тон. Кичик терция =1,5 тон
3. Катта терция =2 тон. Соф кварта =2,5 тон
4. Ортирилган кварта=3 тон. Камайтирилган квинта=3 тон
5. Соф квинта =3,5 тон Кичик секста =4 тон
6. Катта секста =4,5 тон Кичик сентима =5 тон
7. Катта сентима =5,5 тон
8. Соф октава =6 тон

Бу интерваллар диатоник деб аталадилар.



3. Ортирилган ва камайтирилган интерваллар."

Ҳар бир диатоник интервал ортирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Ортирилган интерваллар соф ва катта интерваллардан тузилади. Камайтирилган интерваллар соф ва кичик интерваллардан тузилади. Факат соф прима камаймайди. Барча ортирилган ва камайтирилган интерваллар хроматик деб аталади. Уч тонликдан ташқари.

Ортирилган



интерваллар Камайтирилган интерваллар



Хроматик интервал Диатоник интервал сонига тенг келади. Ортирилган. 2 = кичик. 3 (1,5 тон) камайтирилган. 7 = катта. 6 (4,5 тон).



Сон микдори турлича ва эшитилиши бир хилда бўлган интерваллар энгармоник Тенг интерваллар дейилади.

Интерваллар айланиши.

Интервал товушларининг бир жойдан иккинчи бир жойга кучиши натижасида пастки товуш юқорига ва юқоридаги товуш пастга жойлашуви, - Интервал айланиши дейилади.

1. Асосий (пастки товушни) бир октава пастга кўчириш.

2. Чўққини (юқори товушни) бир октава пастга кўчириш. Айланиш натижасида янги интервал хосил бўлади.



Қоида бўйича, соф интерваллар – софга, кичик интерваллар – каттага, катта интерваллар- кичикка, ортирилган интерваллар камайтирилганга, камайтирилган интерваллар ортирилганга айланади ва аксинча.

Таркибли интерваллар.

Мусиқада оддий интерваллардан ташқари оралиги октавадан кенг интерваллар ҳам кулланилади. Оралиги бир октавадан кенг интервалларни таркибли интервал дейилади. Ҳар бир таркибли интервал поғоналар сонига қараб ном олган.

Нона - 9 = Октава орқали тузилган секунда.

Децима - 10 = Терция.

Ундетцима -11 = Кварта.

Дуодетцима -12 = Квинта.

Терцдетцима - 13 = Секста.

Квартдетцима -14 = Септима.

Квинтдетцима - 15 = Октава.

Таркибли интервалларда сифат микдорини белгилаш учун - соф, катта, кичик, ортирилган, камайтирилган сўзлар кулланилмаган.

Охангдош ва ноохангдош интерваллар.

Охангдош (консонанс) ва ноохангдош (диссонанс) интерваллар бўлади.

Охангдош (консананс) деб бир-бири билан уйгунлашган, охангдош бўлиб эшитиладиган товушлар йигиндисига айтилади.

Ноохангдош (диссонанс) деб бир-бири билан уйгунлашмаган, кулокка кескин ешитиладиган товушларга айтилади.

Охангдош интерваллар.

Соф прима Нихоятта мукаммал охангдошлар.

Соф октава

Соф квинта Мукаммал охангдошлар.

Соф кварта

Кичик терция

Катта терция Номукаммал охангдошлар.

Кичик секста

Катта секста

Ноохангдош интерваллар.

Кичик секунда

Катта секунда

Ортирилган кварта

Камайтирилган квинта

Кичик септима

Катта септима

Қоида бўйича охангдош - охангдошга, ноохангдош — ноохангдош интервалларга айланади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Элементар назарияси» Вахромеев. Т.1967 й.*
2. *О.Файзиев «Ўзбекистон мактабларида мусиқий-нафосат тарбияси» Т. 1992 й.*
3. *О.Азимова Гармония . Т, 1999.*
4. *И.А.Акбаров «Мусиқа луғати» - Т, 1997.*
5. *Ўзбекистон Ватаним маним Т, 2000, 2002.*

П.И. Чайковский Детский албом, Времена года